Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 39 (6. 528) ◎ 1988 йил 17 февраль, чоршанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Янгиланиш йўлидан

XIX

## Ташаббус ва самара

◎ 153-қурилиш тресги бинокорлари Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун авж олдирилган социалистик мусобақада фаол қатнашмоқдалар. 39-қурилиш бошқармасига қарашли Александр Марков бошчилик қилаётган комплекс бригада бунёдкорлари қурилиш ташкилотида биринчи бўлиб бу ташаббусга қўшилган эди. Айни пайтда фидокорлар сўз ва иш бирлигини таъминлаб. Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини конференция очиладиган кунга қадар бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ишни янгича ташкил этиш ва илғор иш услубларидан унумли фойдаланиш эришилаётган ютуқларнинг бош омили бўлмоқда. Ҳозирги кунда бригада бунёдкорлари графикдан ўн беш кун ўзиб ишлашаётир.

Бугунги кунда қурилиш трестида 4 та бригадага бирлашган 144 нафар бинокор ишга тушириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштиришмоқда. Конференция очиладиган кунгача умумий ҳажми 23, 23,8 минг квадрат метр турар жой биносини ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

— Энг муҳими, — дейди трест партия комитетининг секретари Юрий Волков, — белгиланган режаларни амалга оширишда янгича ишлашнинг зарурлигини ҳар бир қурувчи юракдан ҳис этади. Коллектив пудрати афзалликларини фаолиятимизга тобора чуқурроқ тадбиқ этиб бораяпмиз.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

## Илғорлар аҳди

**◎ «Мармар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг А. Татаринов етакчилик қилаётган бригадаси ишчилари тайёрлаган гранит плиталар шаҳримиз биноларини безабгина қолмай, балки Свердловский, Новокузнецкий ва Ленинград сингари мамлакатимиздаги ўнлаб шаҳарларга ҳам жўнатилиб турибди.**

А. Каримов, В. Вастров, А. Мустафоев сингари гранит силлиқловчилар кунлик нормаларини 129 процент бажариб, коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Бригада аъзолари яқинда янги ташаббус билан чиқдилар. Улар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очилгунга қадар планга қўшимча 500 квадрат метр гранит плиталар, 250 погон метр пиллапоя тайёрлашга аҳд қилишди.

Б. ЭРГАШЕВА.

## Фойдаланишга топширилди

**Шаҳримизнинг Жуковский микрорайонида ҳар бири 90 квартирали 3 та тўққиз қаватли турар жой биноси бир йўла фойдаланишга топширилди.**

Бу объектларда «Главташкентстрой»нинг 2-уйсозлик комбинатига қарашли 60-қурилиш бошқармасининг А. Конрад, 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг коммунист А. Ғаязов, В. Давлетовлар бошчилик қилган бригадалар қурувчилари меҳнат қилдилар. Пешқадам қурувчилардан Д. Цой, В. Литвинов, Ф. Шарафутдинов, К. Мўминов сингари бунёдкорлари кунлик нормаларини ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ибрат кўрсатишди.

Бинокорлар айни кунларда яна битта тўққиз қаватли 54 квартирали турар жой биноси қурилишини жадал суръатларда олиб боришмоқда.

## Меҳнат баҳси

**◎ Коллективимиз Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини меҳнатда юқори кўрсаткичларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақани қизитиб юборди, — деди биз билан суҳбатда «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-механика-йиғув цехи бошлиғи Александр Светников. Бу ишда ёшларга коммунистлар ибрат кўрсатишяпти.**

Улар орасида Ю. Гусаев, В. Музлапов, О. Эшмуҳамедов, А. Абдушоҳидов, Ж. Очилов сингари йиғувчи-слесарлар бор. Бу пешқадамлар смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб адо этиш билан бирга, ҳар бир ишда бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Ёшлар орасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Адҳамжон Аъзамовнинг иши ибратлидир. Унинг календарида 1989 йилнинг биринчи квартали бошланган.

Маҳсулот сифатига катта эътибор бераётган коллектив цехда яратилаётган янги «УПХ—1,5 В, «СХУ — 1», «ПХГ—4» маркали сеялка машиналарни пухта ва чиройли ишлаб чиқарилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Меҳнат интизоми яхшиланиб бораётганлиги сабабли иш унумдорлиги 3,5 процентга ошди. Маҳсулот сифати эса бирмунча яхшиланди.

Социалистик мусобақага ҳар ойда якун чиқарилиб ғолиблар фахрий ёрлиқлар, кўчма вимпеллар ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар. Цех бир суткада 25—30 тадан машина ишлаб чиқаради.

Иши билан сўзи бир аҳил коллектив йиллик топшириқларни бир ой олдин 120 процент қилиб адо этишга аҳд қилган.

У. МУҲАМЕДОВ.

## Мусобақа шарофати

**◎ Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг «Узавтостроймеханизация» трестига қарашли 1-автобазасининг Мираҳмад Набиев етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари икки йилдан буён пудрат асосида иш юритмоқда.**

Шу боисдан ҳам коллектив ойлик планини ҳамиша 110 процентдан адо этиб, автобаза бригадалари ўртасида илғорлик қилмоқда.

Бригада коллективи 18 кишидан иборат бўлиб, улар ўзлари бошқараётган «Краз», «Камаз» машиналари билан пойтахтимиздаги 1-ғишт заводлари бошқармаси ҳамда Келесдаги 7-ғишт заводлари бошқармасига қарашли ғишт заводларини соз тупроқ билан таъминлайди.

Шавқи Абдуллаев, Виктор Колесников, Гуфтор Акбаров, Турсун Аҳмедов сингари тажрибали шофёрлар кунлик нормаларини 1,5 ҳисса адо этиб, коллектив шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

— Коллективимиз ўртасида Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига ўзаро социалистик мусобақа қизғин авж олдириб юборилган, — дейди бригада етакчиси. — Ҳар бир ҳайдовчимиз бу шонли санани қувончли ютуқлар билан кутиб олиш учун зиммасига оширилган мажбуриятлар олиб, кун сайин баракали меҳнат қилаяпти.

Айни кунларда бригада ҳайдовчилари пудрат усули шарофатини ҳар томонлама такомиллаштириш, қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун омилкорлик билан иш юритмоқдалар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Сергели район партия комитети мажлислар залида сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин билан учрашуви бўлиб ўтди.**

**Б. Ф. Сатин ўз нутқида аҳолига пулли хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ва кенгайтириш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уй-жой қурилиши суръатларини оширишга доир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги шаҳар партия ташкилотининг иши тўғрисида, ўз депутатлик фаолиятида сайловчиларнинг наказларини қандай бажараётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берди.**

**Кенг фикр алмашувдан сўнг сайловчиларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.**

ЗАМОНДОШИМИЗ



## Фабриканинг йўлида

Ота-боболаримиз қадим-қадимдан бери бош кийимни қадрлаб, улуғлаб келади. Бухоро зардўзларининг қалб кўри қўшилган дўппиларнинг Марғилон, чустлик усталарнинг тимсоли йўқ дўппилари бошимизда кулиб боқади. Азал-азалдан бош кийимлар хонадонимиз тўрида ардоқда туради.

Йиллар ўтди. Замонамиз фаровонлашиб, кишиларимизнинг орзу-ҳаваслари ҳам шунга яраша ортиб бораяпти.

Аёлларимиз, айниқса, кўчада ороланиб юришни яхши кўришади. Бўлмасам-чи, аёл қанчалар зебо, қанчалар раъно бўлиб юриши замонанинг шунчалар серфайз эканлигидан далолат беради.

Машкура Нурмуҳамедова универсал магазинининг бош кийимлар секциясида навбатда турган одамларга эътибор қилди: «Нима сотяптийкин?» Навбат охиридаги аёлдан сўради:

— Қандай бош кийим? Чет элникими?

—Йўғ-эй... Ўзимизники. Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасиники экан. — Кейин қўшиб қўйди. Сизларга навбатда одам кўп бўлса, албатта чет элники бўлиши керак-да, а...

Машкура сотилаётган бош кийимни кўрди: сўнгги модада тикилган аёллар шляпаси.

Бояги аёл Машкурага кўз ташлаб, деди:

— Вой, ўзингиз ҳам кийиб олибсиз-ку. Шу шляпани қаердан олдингиз?

Машкура кулиб, навбатдан узоқлашди. Қалби севинчга, ғурурга тўлди. Бир кўнгли, «мана шу шляпа ишлаб чиқарадиган фабрикада формаловчи бўлиб ишлайман», дегиси келди. Лекин мақтанишнинг нима кераги бор! Фабриканинг маҳсулоти сифатли, харидоргир эканлиги шундоғам кўриниб турибди-ку!

Машкура фабрикага бундан олти йиллар аввал қалб даъвати билан келганди. Йиллар оқар сувдек тез ўтишини қаранг: бугун у дугоналар ичра пешқадам. Ойлик иш планларини 100—120 процентга етказиб адо этаётган, ўз ишининг моҳир устаси. Тошкент шаҳар Советининг депутати. Меҳнатда шараф топган бахтиёр қиз.

Машкура фабрикага кираётганда хаёлига ўрнашиб қолган қўшиқни беихтиёр айтиб юборди.

Фабриканинг йўлида
Бахтимни топиб олдим...

«Қаёқдан келди бу қўшиқ хаёлимга?» — ўйлади у. Аслида унинг хаёлига келиб қолган эмасди. Қўшиқ неча йиллар аввал айтилган бўлса ҳам, худди у ҳақда, унинг дугоналари ҳақида айтилгандек эди.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Суратда: Машкура Нурмуҳамедова.

Т. Каримов фотоси.

## Қайта қуришнинг долзарб вазифалари

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида оммавий ахборот воситалари, маданият ва идеология муассасаларининг раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва кўп нусхали газеталар, телевидение ва радио журналистлари, театр, кино ва бошқа маданият ташкилотларининг ходимлари иштирок этдилар.

Учрашувни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. Е. Лаврушко очди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин сўзга чиқди.

Учрашувда сўзга чиққан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редактори Т. М. Қозоқбоев, Ҳамза номидаги театр бош режиссёри Ўзбекистон ССР халқ артисти Л. А. Файзиев, самолётсозлар Маданият ва техника саройининг директори В. Г. Обьедков, Тошкент политехника институти кўп нусхали «Политехник» газетасининг редактори Ж. Қ. Саидқосимов, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети раисининг ўринбосари Ш. Ғ. Яхёев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси катта илмий ходими Г. В. Сахаров, 32-мактаб илмий бўлим мудири Н. А. Засоба, «Билим» жамияти Тошкент шаҳар правлениеси раиси Ш. З. Ўразаев ва бошқалар ошкора, дўстона суҳбатда идеология муассасаларининг қайта қуришни жадаллаштиришга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш борасидаги вазифалар ва муаммолар ҳақида фикр алмашдилар, кундалик фаолиятларида дуч келаётган камчиликлар ва қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилдилар.

Принципиал, қизғин суҳбат чоғида Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик даврида оммавий ахборот воситалари, театрлар, клубларга, бошқа маданият муассасаларининг коллективларига партия раҳбарлигининг кўпгина муаммолари ва масалалари кўтарилди, ватанпарварлик ва интернационализм, юксак меҳнат маданияти ва социалистик жамият турмуш қоидалари руҳида тарбиялаш, атеистик пропаганда таъсирчанлигини ошириш, турғунлик ҳолатларига қарши курашни кучайтириш борасидаги идеология муассасаларининг фаолияти юзасидан ташвиш билдириб, уни яхшилаш ҳақида конкрет таклифларни баён этдилар.

**(Учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот газетада эълон қилинади).**

Қайта қуриш: тажриба ва муаммолар

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ЎЗ ҲУҚУҚИДАН ФОЙДАЛАНИБ, АҲОЛИ УЧУН ТОВАРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ КУЧ-ҚУВВАТИНИ ОШИРГАЧ...

## Ресурслар ҳам, имкониятлар ҳам топилди

Ўтмишда улкан бинолар қурилишига ружу қилинган пайтда Ҳамид Олимжон номли майдонда қад кўтарган осмонўпар бинонинг пастки қаватида китоб уйини жойлаштириш мўлжалланган эди. Энди режа ўзгарди. Бу ерда республикадаги энг катта савдо марказларидан бири аҳолига хизмат қилади. Савдо маркази тошкентликларнинг ўзлари тайёрлаган буюмлар билангина савдо қилади.

Комплекснинг қуйи қаватларида ишлар секин-аста жонланиб бормоқда. Бу ерда қизиқувчан шаҳарликлар кетма-кет келиб туришибди, улар Тошкентда тайёрланган халқ истеъмоли моллари кўргазмасини томоша қилишга ошиқмоқдалар. Бу хўжакўрсин учун ташкил этилган кўргазма бўлмай, балки ҳал этилмаган муаммолар ва фойдаланилмаган резервлар намойишига айланди. Бу муаммолар ва резервларни кўргазмани ташкил этган шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги тармоқлараро мувофиқлаштирувчи марказ ҳал этиши ва ишга солиши мумкин.

### МУАММОЛАР

Токчаларга хўжалик рўзғор буюмлари, ўйинчоқлар, сувенирлар қўйилган. Уларнинг кўпи жуда жўн, кўримсиз ашёлардир. Кўпгина корхоналар бир хил товарлар ишлаб чиқараётгани кўриниб турибди.

— Ёқдими? Тўғри, унча яхши таассурот қолдирмайди, — деди марказ бошлиғи Ҳ. Тошхўжаев. — Кўп корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ортиқча юк ҳисоблаб, қўл силтаётганга ўхшайдилар. Тошкентдаги 20 та завод ва фабрика умуман бундай маҳсулотларни ишлаб чиқармайди. Фақат хоҳламаганликлари учунгина эмас, айни вақтда корхонанинг кучи етмайдиган муаммоларнинг ниҳоятда кўплиги ҳам бунга халақит бераяпти. Бизнинг хизматимиз худди ана шу масалада уларга ёрдам беради...

Яқинда ташкил этилган тармоқлараро мувофиқлаштирувчи марказнинг вазифалари кўп. У хўжалик ҳисобида ишлайди, демак марказ ўзи учун, ўзи пул топиши керак.

Янги ташкилот ишларни жўнаштириб юбориш мақсадида маҳаллий бюджетдан 230 минг сўм дастмоя олди. Бинобарин, мижозлар билан 1 миллион сўмлик дастлабки шартномалар тузилди. Тармоқлараро мувофиқлаштирувчи марказ хизматидан Октябрь революцияси, абразив, шина ремонти заводлари, каноп фабрикаси ва бошқа корхоналар фойдаланиш ниятидадирлар.

Марказ таркибига ихтисослашган бошқарма киради. У поток линияларни лойиҳалаш, уларни ишга тушириш-созлаш ишларини, товар ишлаб чиқарувчи технологияни пишиқлаштиришни ва чиқиндиларни қайта ишлашни ўз зиммасига олади. Тармоқлараро мувофиқлаштирув ч и марказ ҳозирча ўзининг кичикроқ ишлаб чиқариш базасига эга. «Уни техника билан жиҳозлай бошладик,— деди бош инженер Г. Мурский. — Корхоналарнинг буюртмасига кўра, асбоб-ускуналар, ностандарт ускуналар тайёрлаб берамиз».

Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган катта завод ҳамма вақт ҳам техник жиҳатдан мураккаб, айни вақтда сифатли товар ишлаб чиқаришни йўлга қўёлмайди. Марказ ана шу ишларнинг анчагина қисмини ўз зиммасига олади. Чунончи, у турли заводларнинг конструкторлари, энг яхши асбобсозлари ва станокчиларини бирлаштирган ижодий коллективни тузишга кучи етади. Корхона билан тузилган шартнома асосида бундай бригада буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ана шу ишларни чизмасидан тортиб то сотишгача бўлган жараёнга ёрдам бера олади. Тошкент тажриба-механика заводида ана шундай группалар тайёрланмоқда.

### САНОАТ ЭСТЕТИКАСИ

Тармоқлараро мувофиқлаштирувчи марказнинг бадиий лойиҳалаш амалий проблемалар маркази ҳам бўлиб, у кенг миқёсли, қизиқарли масалалар билан шуғулланади. Ўзбекистонда шу пайтгача бундай марказ бўлган эмас.

— Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кўпинча товарларнинг эстетик жиҳатларига, агар таъбир жоиз бўлса, ана шу жиҳатларнинг инсонга тегишли томонларига умуман кам аҳамият берадилар, — дейди ана шу хизмат бошқарувчиси А. Куранов. — Ахир саноат эстетикасининг аҳамияти жуда катта роль ўйнайди. Бизда тажрибали, моҳир дизайнерлар бор. Улар буюмларни макетидан бошлаб ишлаб берадилар. Товарларни харидорларнинг дидига мос қилиб ўраб бериш ва уларни тарғиб қилишни ҳам унутмаймиз. Янги буюмларни ва уни ишлаб чиқараётган корхоналарни тарғиб қилувчи фирма нишонлари ва плакатлар тайёрлаймиз.

### ВОСИТАЧИЛИК

Тармоқлараро мувофиқлаштирувчи марказ мураккаб рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш учун бир неча корхоналар ўртасида кооперация тузишда воситачилик қилади. «Таштекстильм а ш», агрегат заводлари ва «Средазгазавтома т и ка» ҳамда «Ўзбекистон» бирлашмалари билан иш бошлаб юборилди. Уларга модул асосида болалар велосипедлари ишлаб чиқаришни ўзаро ўзлаштиришни таклиф қилдилар. Ҳар бир корхона ўз ихтисосига кўпроқ яқин бўлган ишларнинг бир қисмини бажаради. Натижада ҳар бир завод қўшимча фойда олади. Харидорлар эса бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган велосипедларнинг бир неча янги моделидан хоҳлаганларини ўз фарзандларига танлаб олишлари мумкин бўлади.

Марказ ҳузурида, шунингдек, ёшларнинг «Автодизайнер» ҳаваскорлик клуби ҳам ишлай бошлайди. Клубга таниқли ихтирочи, конструктор В. Ашкин бош бўлди. Мактаб ўқувчилари ва студентлар бу ерда техника эстетикасини ўрганадилар, ўз ғояларини амалга оширишга уринадилар. Мана сизга бир мисол: автомашинага хизмат қилиш учун тайёрланган махсус мослама намунасини олайлик. Ҳозир ана шу намуна тажриба тариқасида ишлаб чиқариш учун берилди.

* * *

Ҳамид Олимжон майдонида қад кўтарган осмонўпар бинолар пойида қурувчилар ишламоқда. Улар катта комплексни фойдаланишга топшириш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Халқ истеъмоли моллари тармоқлараро мувофиқлаштирувчи маркази ана шу комплекснинг эгаси бўлади. Тайёр бўлган хоналарнинг бирига юқорида биз тилга олган кўргазма жойлашган. Бу ерда Тошкентдаги корхоналар тамғаси туширилган товарларни сотишга ихтисослашган «Янгилик» магазини, завод ва фабрикаларда ишлатилмай қолган товарлар ва чиқиндилар билан савдо қилувчи зал жойлашади. Бундан ташқари, кооперативларнинг маҳсулоти ҳам сотилади...

Хуллас, марказ ишга тушади. Аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшадиган марказ харидорлар билан гавжум бўлади, деб ўйлаймиз.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

СЎНГГИ СОАТДА

**◎ Қ О Б У Л. Бўлажак биргаликда Совет Афғонистон космик учиши халқаро миқёсида, Афғонистоннинг обрў-эътиборини оширишга, иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади. АХДП Марказий Комитети Афғонистон Республикаси алоқа министри Муҳаммад Аслом агентлигининг мухбири билан суҳбатда, шундай деб маълум қилди.**

**457 нафар номзоддан икки ҳарбий учувчи танлаб олинган. Булар ҳарбий ҳаво кучларининг полковниги Муҳаммад Даврон ва ҳарбий-ҳаво кучларининг капитани Абдул Аҳадлардир. Улардан бири космосга учади, иккинчиси эса дублёрлик вазифасини бажаради.**

◎ Л О Н Д О Н. Тунда Буюк Британия бош министри Маргарет Тэтчернинг расмий резиденцияси жойлашган Даунинг-стрит кўчасига чиқаверишда автомобиль портлади. Машина рулини бошқараётган ҳайдовчи ҳалок бўлди, портлаш натижасида рўй берган ёнғин ўт ўчирувчилар томонидан тезда бартараф этилди. Воқеа содир бўлган жойни полиция қуршаб олди ва бу ҳолат юзасидан тергов бошлади. Бош министрнинг вакили Пресс Ассошиэйшн агентлигининг мухбирига маълум қилишича, портлаш пайтида Тэтчер ўз резиденциясида бўлган.

Полиция портлаган автомашинада бомба бўлганлиги тўғрисидаги тахминни рад этмоқда. Рейтер агентлигининг хабарига кўра, ҳайдовчи ўзига ўт қўйиш билан ўзини-ўзи ўлдиришга уринганлиги эҳтимолдан холи эмас.

**◎ Т О К И О. 1983 йилнинг 1 сентябрига ўтар кечаси совет осмонига ёриб кирган Жанубий Корея пассажир самолёти жосуслик топшириғини бажарган эди. Америка Разведка хизмати бошқармалари ундан фойдаланиб, Узоқ Шарқда Совет Иттифоқининг осмон ҳужумидан мудофаа системаси тўғрисидаги маълумотларни тўплашга уринган эдилар. Японияннинг «Саньити сиобо» нашриёти томонидан чиқарилган «Жанубий Корея лайнерида амалга оширилган иғвогарлик тадқиқотлари» деган китобда ана шундай хулоса чиқарилган.**

### СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1988 йил 5 март шанба дам олиш кунини 7 март душанба кунига ўтказишга қарор қилди.

Турмуш чорраҳаларида

# Руҳий мадад

Дўстим Аваз кўп йиллардан бери матбуотда ишлайди. Қобилияти ҳам ёмон эмас. Гоҳ радиода, гоҳ газета-журналларда яхшигина чиқишлар қилиб туради. Унинг мақолалари, турли соҳанинг илғор кишилари ҳақидаги очеркларини ўқиб, қаноат ҳосил қилиб, унга билдирилган мақтовларнинг гувоҳи бўлганман. Лекин дўстим доим хомуш юради. Юзида ғамгинлик. Бунинг сабабини сўрай дейману, лекин журъат этолмайман.

Яқинда ана шу дўстимнинг марказий газеталардан бирида жуда долзарб мавзуда ёзилган каттагина мақоласини ўқиб қолдим. Шу баҳона бўлди-ю, уни табриклаш учун уйига бордим. Очиқ чеҳра билан кутиб олди. Қўярда-қўймай дастурхон ёзди. Чой устида Авазжонни ажойиб мақоласи билан қутладим.

— Раҳмат, Ҳаётжон! Аслида мақоланинг ёзилишига коопторглар сабабчи. Коопторглар яхши, лекин...

— Мақолангиз марказий газетада чиққан бўлса, қанча қалам ҳақи беради! — дўстимнинг хотини бепарволик билан сўради.

— Пулини нима қиласан! Шу одатинг қолмади-қолмади, — деди ҳижолат тортиб Авазжон.

— Келин, ҳали Авазжоннинг мақоласини ўқиб чиқмаганмисиз!

— Буларнинг (эрини айтмоқчи) биронта ҳам мақола ва китобини ўқиган эмасман. У ер-бу ердан «Эрингиз жуда яхши мақола ёзибди» дейишса, «пули оз, ундан кўра бензин заправчикми, завскладми бўлиб ишлагани яхшийди» деб қўяман...

— Қўй, Роҳатхон, шу гапларингни, яхшиси бир ош дамла, маза қилиб ўтирайлик, — деди Аваз.

Вақтим зиқлигини баҳона қилиб жойимдан турдим.

Одамзодни билиш жуда қийин экан. Дўстимни яхши билардиму, лекин унинг умр йўлдошини яхши билмасдим. Энди бўлса Авазнинг доим хомуш, ғамгин юришининг боиси менга маълум бўлди. Унга руҳий мадад етишмас экан.

Инсон боласи ҳамиша яхши ишлари учун таҳсинга, энг аввал яқинларидан руҳий мадад олишга интизордир. Шу ўринда бундан анча йил олдин содир бўлган бир воқеани эсладим.

Яна бир дўстим бор. У ҳам газетада ишлайди. У одоб-ахлоқ мавзусида катта-кичик ҳикоялар, масалаларни кўп ёзади. Шу дўстимнинг саксонга кирган волидаси бор. Унинг отаси эса урушда ҳалок бўлган. Беш нафар фарзандини ана шу муштипар она улғайтириб, уйли-жойли қилган. Дўстимнинг онаси кичик укаси билан Самарқанд дарвоза атрофидаги кўчалардан бирида яшайди. Бир дам олиш куни дўстим билан онасини кўргани бордим. (Дўстим ҳар икки-уч кунда онасидан хабар олиб туради). Онахон бизни бағрига босиб, пешонамиздан ўпиб: «Омонмисизлар, болаларим! Келинларим, болагиналарим соғ-саломатми! Нега уларни олиб келмадиларинг!, деб сўраб қолдилар.

Биз дастурхон атрофида суҳбатлашаётганимизда онахон:

— Тоҳиржон, кеча «Шанба оқшоми»да чиққан «Ҳикматнома»нгни ўқиб, қувониб кетдим. Қўшниларга ҳам ўқиб бердим. Ана шундай тарбиявий нарсаларни ёзавергин. Кўпларга ибрат бўлади, одамзоддан билсанг фақат яхшилик қолади, — дедилар.

— Онахон, Тоҳиржон ёзган мақолаларни ўқиб турар экансиз-да! — сўрадим.

— Нега ўқимай! Унинг ҳамма ёзганларини ўқиганман.

Онахон шундай дея ўтирган жойидан туриб, уйга кириб кетдилар. Бир оздан кейин папка кўтариб келиб, менинг олдимга қўйдилар-да:

— Бу ерда Тоҳиржоннинг талабалик йилларидан тортиб, кеча чиққан мақоласигача бор. Ҳаммасини тўплаганман, — дедилар.

— Онамнинг жуда қизиқ одатлари бор, — дея Тоҳир гапга аралашди. — Мақолаларим қайси бир жойда чиқса мендан олдин топиб ўқийдилар. Сўнгра ишхонага ёки уйга телефон қилиб: «Барака топ, ўсиб-улғайгин. Яхшилик, одоблик ҳақидаги мақолангни ўқидим. Сен мени яна бир ёшга ёшартирдинг, болам», дейдилар. Уйдагилар ҳам онамдан ўрганган. Улар ҳам доим руҳий мадад бериб туришади. Шундан кейин ёзганинг кимларгадир кераклигидан қувониб, бир илҳомингга ўн илҳом қўшилиб кетади, — деди қувониб Тоҳир дўстим.

Ҳа, ана шундай! Ҳар бир ижодкор учун руҳий мадад сувдек, ҳаводек зарур. Ижодкор ҳар доим руҳий мадад билан озиқланади. Буни билган билади, билмаган бўлса...

**Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.



Кейинги йилларда медицина техникаси шифокорларнинг ишончли ёрдамчиси бўлиб бормоқда. Техника ёрдамида касалликлар тез аниқланмоқда, диагноз қўйилмоқда. Беморлар дардига шифо топишда ҳам тилсиз ёрдамчиларнинг хизмати катта бўлмоқда. Энг муҳими замонавий медицина ускуналари билан барча поликлиникалар ҳам тўла таъминланмоқда.

СУРАТДА: оператор Ш. Юсупова иш устида.

М. Нуриддинов фотолари.

Фан оламида

# Ракка қарши препарат

Женевалик Андре Майерс ракка қарши препарат кашф этди. Агар клиник синовлар унинг лаборатория натижаларини тасдиқласа, мазкур препарат рак касаллигига қарши курашда «революция ясаши» мумкин эмиш.

Препарат хусусиятларини олдиндан баҳолашда ўта эҳтиёткор бўлиш лозимлиги таъкидланаётган бўлса ҳам у ниҳоятда «муҳим» аҳамиятга молик эканлиги тахмин қилинмоқда.

Янги препаратнинг тафсилотлари маълум қилинмаяпти, аммо унинг инсон организмига ҳеч таъсир этмаган ҳолда рак тўқималарини емириши, қисқа вақт ичида организмдан рак тўқималарини йўқотишга қодир эканлиги қайд этилаяпти.

Мазкур препарат ракнинг энг хавфли кўринишларига (ўпка, мия, ошқозон, тери каби органлар ракига) қарши курашиш учун мўлжалланган.




# Неъматларнинг аълоси

Ер шарининг турли мамлакатларида истиқомат қилувчи халқлар турли масаллиқларни истеъмол қилади. Лекин инсоният ризқини тафтиш қилиб кўрсак, мана бундай баланснинг гувоҳи бўламиз. Масалан, барча халқлар истеъмол этадиган асосий масаллиқлардан беистисно, мана буларни олиб қарайлик: гўшт — 11 процент, сабзавотлар билан мевалар — 10 процент, картошка — 10 процент, ҳайвонот ва ўсимлик ёғлари — 9 процент, қанд ва бошқа ширинликлар — 7 процент, балиқ ва денгизнинг ейиш мумкин бўлган бошқа жониворлари атиги бир процентни ташкил этар экан. Аммо донга, яъни нонга келганимизда бу жаҳон миқёсида 52 процентни ташкил этади.

Барча неъматлардан энг аълоси нон бўлганлигини анчагина халқларнинг турмуш тарзидаги этнографик маълумотларга қараб ҳукм қилганимизда, турлича урф-одатлар буни тасдиқлайди. Чунончи рус халқида азиз меҳмонни кутиб олишда нон билан туз олиб чиқиш каби яхши анъана бор. Нега шундай? Чунки нон энг аъло неъмат, туз эса барча таомларнинг лаззатини рўёбга чиқарадиган модда. «Барча овқатларнинг боши нон» деган нақл ҳам рус халқининг нонни азиз кўрганлигидан айтилган.

Ўзбекларда ҳам меҳмонни нон ва қуш гўшти билан кутиб олиш расм бўлган. Нон ликопсимон



қилиб ясси ясалади, устига пиширилган парранда гўшти солиб чиқилган. Бу таом «мурчнон» деб аталган, «мурч» — қуш. Нақл қилишларича, «Марғилон» шаҳрининг номи шундан олинган эмиш. Лекин бу нақлнинг тўғрилигига аниқ кафолот бера олмайман. Лекин ўзбекларда овқатланиш нондан бошланиши тўғри — эрталабки овқат «нонушта» деб аталади, бу нон ушатмоқдан олинган. Арман халқида ҳам кундалик уч маҳал (эрталабки, тушки ва кечки) овқатланиш «нон емоқ» маъносини англатар экан. Ҳинд халқида кундалик овқатланиш «долрота» деб аталади. Маъноси ҳам дон (гуруч), ҳам нон дегани бўлади. Рожастонликларни олсак, буларда овқатланиш «Роти» сўзи билан ифодаланиб, худди шу сўз яна нон емоқ маъносида ишлатилади. Гвинея оролларида яшовчи попаусларда ҳам овқатланиш ва нон битта «инги» сўзи билан англатилади. Ёки арабларни олайлик. Буларда «айш» деган сўз бор. Бу ҳам овқатланишни, ҳам буғдойдан пиширилган шовлани, ҳам нонни, ҳам ҳузур-ҳаловатни ифода этади. Ўзбекча айш-ишрат сўзини эсланг-а.

Маълумки, Ғарбий Осиё ва Шимолий Африкада арабларнинг турли тоифалари яшайди, лекин ҳаммаси учун ҳам нон энг аъло неъмат ҳисобланади, буни биз мақолларидан билиб оламиз: «Нонсиз овқат — овқат эмас» (Миср), «Нон бўлмаса — эл тўймас» (Яман), «Таом бўлмаса бўлмас, бир бурда нон бўлса — бас» (Марокаш).

**Карим МАҲМУДОВ,**
пазанда.



# Касбни улуғлаб

Дастурхонимизни нонсиз тасаввур қилолмаймиз. Айниқса, қип-қизил бўрсилдоқ қилиб пиширилган обинонлар, буханкаларни тановвул қилганимизда «ёпганларга минг раҳмат» деб юборамиз.

Азалдан нонвойлик касби улуғланиб келинган. Унинг ўт билан олишиб яратган мўъжизаси — нон ҳамиша халқимиз томонидан ардоқланган.

1-нон заводининг илғор нонвойлари (суратда чапдан — ўнгга) Людмила Белоусова билан Ҳарниса Исаевалар ҳам ана шундай касбни улуғлаб яшаётган ҳамшаҳарларимиздан. Улар ойлик иш нормаларини 130 процентдан адо этиб, юқори сифатли нон ёпишмоқда.

Бувижон, ўқиб беринг

# Н о н

Онасига дер Усмон
— Емайман, қаттиқ бу
нон.
Буни буваси пайқаб,
Секин-секин бош чайқар:
— Қаттиқ, юмшоғи ҳам
нон,
Нонни дема ҳеч ёмон.
Қаттиғин есанг агар,
Тишинг бақувват тортар.

Уни ҳамма мақтаб ер,
Мазали, тўйимли дер.
Нон—қуёш, нон—бебаҳо,
Йўқ, ундан неъмат аъло.
Нон бор — кўркам
дастурхон.
Азиз тутар ҳар инсон.

**Юнус ТОЛИПОВ,**
ишчи.

Мутахассис маслаҳати

# Ҳам тўйимли, ҳам шифоли

Нон — инсониятнинг буюк кашфиёти саналади. Ноннинг қадр-қиймати барчамизга аён. Биз қуйида унинг табобатдаги хосиятлари борасида фикр юритамиз. Буюк аллома Абу Али ибн Сино нон ҳақида шундай башорат қилган: «Нон тоза, тузли, хамири яхши пишган бўлиши ва бир кеча тўхтатиб ейилиши керак. Иссиқ нонни киши табиати яхши қабул этсада, уни иссиқ ҳолида ейиш яхши эмас...»

Шуни таъкидлаш керакки, буни ҳозирги замон медицинаси ҳам тасдиқлаган, янги пиширилган нон зарарли таъсир кўрсатади. У меъда секретор функциясини кескин ошириб юборади, ошқозон ости бези, ўт (сафро) ажратишни кучайтиради. Ошқозонда оғирлик сезилиб, безовта қилади. Баъзи кўпгина соғлом кишиларда ҳам халқ ибораси билан айтганда, жиғилдонни қайнатади. Шунинг учун иссиқ нонни ошқозон хасталикларида — гастрит, ошқозон ёки ўн икки бармоқли ичак яраси, сурункали панкреатит, холецестит каби касалликларга чалинган кишилар истеъмол қилмасликлари керак. Қотган нон ҳаммага фойдали. У намликни оз сақлайди ва ошқозонда енгилгина ҳазм бўлади.

Нон таркибида ўрни алмашмайдиган аминокислоталар — оқсиллар бор. Нондаги оқсиллар таркибида аминокислоталардан фақат биттаси озроқ, яъни лизин. Шунинг учун нонни сут билан бирга ейилса янада мазали бўлади. Нон таркибида бўлмаган оқсиллар компонентларини сут тўлдиради. Сутга қориб пиширилган нон кўп озиқли бўлиб, меъдадан секинлик билан тушади. Нон таркибида яна углеводлар, ёғлар, В группа витаминлари, минерал моддалар — калий, фосфор, темир ва бошқа моддалар сақлайди.

Буғдой нони асал суви ва мувофиқ ширалар билан биргаликда қўшиб ишлатилса, иссиқ шишлар учун яхши бўлиб, уларни юмшатади ва совутади. Эланмаган ундан қилинган нон ични юмшатади. Тоза оқ ундан қилинган нон эса ични қотиради, эски қотган нон ҳам ични қотиради. Нон организмнинг касалликка қаршилигини оширади.

Хуллас, ҳам озиқли, ҳам шифоли неъмат —ноннинг фойдали хосиятлари кўп. Шунинг учун нонни, ҳатто ушоғини ҳам исроф қилманг, ҳурмат билан қаранг, эъзозланг.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
фарғоналик доришунос.

Куюнчаклик билан ёзилган

# Ушоғи ҳам азиз

Нон!.. Бу сўзни эшитишингиз билан кўз ўнгимизда табаррук неъматимиз — нон гавдаланади. Бирон-бир кунимиз йўкки, нонсиз ўтса. Ҳар куни гўшт истеъмол қилмаслигимиз мумкин, аммо нонсиз яшашимиз мумкин эмас. Хўш, нега шундай! Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз бу ҳақда! Уйимизга меҳмон келса ҳам дастлаб дастурхонга нон ушатамиз. Демак, ҳаётимизда энг табаррук неъматларнинг неъмати нон экан.

Шундай экан, нонни исроф қилмаслигимиз, ҳамиша ва ҳамма жойда эъзозлашимиз керак ва зарур. Нон тарихи, унга муносабат муҳим ҳаётий масала. Бу ҳақда ҳаётий гапирамиз. Шунинг учун нон масаласи бундан кейин ҳам барчанинг диққат-эътиборида бўлиши табиий.

Ҳаёт, яшаш учун кураш давом этар экан, нонга бўлган талаб ҳам қолаверади. Нон мадҳияси азалдан куйланган, катта-катта асарлар яратилган. Нон ҳақида қанча ўқиб-ёзмайлик, унинг мадҳини яна такрор-такрор ёдга оламиз.

Франция қироли Генрих IV ўз титулига «Нон қироли» номини ёзиб, фуқарони нон билан таъминлаган. Гомернинг гувоҳлик беришича, қадимий Грецияда, кўпгина халқларда нонга қуёш ва олтин сифатида қаралиб, у ягона рамзий маънода ифодаланган. Қадимги Римда эса, авлод-аждоди нон ёпиш билан шуғулланган нонвойга ёдгорликлар ўрнатилганлиги, бу тарихий анъана ҳозир ҳам сақланаётганлиги, нонвойларга кўрсатилган буюк ҳурмат белгиси, албатта.

Қарангки, қадим Ҳиндистонда нонга беҳурмат бўлганларга маълум вақтгача нон ейиш тақиқланган.

Аммо бугунги кунда ҳам орамизда ҳамон нонни етарлича эъзозламаётганлар учраб туради. Яқинда бир иш билан Октябрь колхоз бозорига бордим. Автобус бекатида бир ўрта яшар кишининг сомсани еб, ортиқчасини ахлат яшигига ташлаганини кўриб, донг қотиб қолдим. Бекатда одамлар жуда гавжум эди. Назаримда ҳеч ким унга эътибор ҳам қилмади. Кейин ҳалиги киши лабини ялаб, қайсидир автобусга бепарвогина чиқиб кетди. У наҳотки нонга шунчалик беҳурматлик қилса! Кўпчилик шаҳар кўчалари бўйлаб юрганимда (кўпроқ ошхоналар атрофида) нон бурдаларини кўраман. Лекин, бу нон бўлакларини ҳеч ким олиб қўймайди. Студентлар шаҳарчасида минглаб студентлар яшайди. Бу ердаги айрим ётоқхоналар атрофидаги ахлат уюмларида нонларимизнинг аралашиб ётганини кўриб, ачиниб кетаман. Шу ердаги «Райҳон» ошхонасида овқатланаётиб, яна бир ачинарли ҳолга дуч келдим. Столлар устини тозалаб юрган аёлнинг аравачаси хўрандалардан қолган нон бўлаклари билан тўлиб қолганди. Мен қизиқсиниб, сўрадим:

— Кечирасиз, қолган нонларни нима қиласизлар!

— Нима қилардик, олиб кетишади-да.

— Қаёққа! — сўрадим ажабланиб.

— Билмайман. Фермаларга бўлса керак, — менга хавотир аралаш қараб қўшиб қўйди. — Ахир одамлар керагидан зиёд олиб, ташлаб кетгандан кейин биз нима ҳам қилардик...

Мен бу воқеани кўриб, биз бир нарсани унутиб қўяётганимизни айтмоқчиман. Ахир бу нонлар қанчадан-қанча меҳнатлар, пешона терлари эвазига бунёд бўлганини ҳеч ўйлаб кўрамизми! Деҳқоннинг ерга уруғ қадашидан, то нон бўлгунича қанча-қанча меҳнат сарф қилинмайди, ахир! Бекорга нонни халқ бойлиги демаймиз-ку.

Олимларимизнинг ҳисобига кўра, агар бир киши ҳар куни бир граммдан нон увол қилса, мамлакатимиз бўйича бир кунда 270 тонна, бир йилда эса 100 минг тоннага яқин нон исроф бўлар экан. Давлат нонвойхоналарида ишлатиладиган ундан бир процентдан тежаб қолинса, йил давомида 145 минг тонна ун тежаб қолинаркан.

Ҳа, нонни ҳар қанча эъзозласак арзийди. У бизга кучқувват, соғломлик, лаззат бахш этаётган таом. Бунинг учун нон пиширувчи цехларда ноннинг янада сифатли тайёрланишига эътибор кучайтирилиши керак.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ,**
Тошкент Давлат университети журналистика факультети студенти.

Илгариги мавзуга қайтамиз

# Дастурхон кўрки

**Кейинги вақтларда «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. У ҳақда бирлашма бош директори Рихсибой Набиев жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Бирлашмамизга қарашли заводларда тайёрланаётган маҳсулотлар сифатига ўтган йили баъзи бир эътирозлар билдирилган эди. «Оқшом» газеталарида ҳам бу нуқсонлар рўй-рост очиб ташланди. Биз ана шу ошкора айтилган танқидий мулоҳазалардан ўзимизга тегишли хулоса чиқариб, бугунги кунда «Ташкентхлеб» ишини қайта қурмоқдамиз.

2-нон заводи 1987 йили тўлиқ капитал ремонтдан чиқарилди. Заводни қайта реконструкция қилиш ва техник жиҳозлаш ишлари учун 311 минг сўмлик маблағ сарфланади. Ремонт ишларига эса 214 минг сўм ажратилди. Бугунги кунда заводда етти хил ассортиментда нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозир завод бир суткада олий навли ундан тайёрланаётган 9 тонна подовой, 20 тонна формали, 4 ярим тонна патир нонлари ва 8 ярим тонна олий навли вермишель ишлаб чиқармоқда.

Суткасига 150 тоннадан ошириб ўндан ортиқ хилда нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқараётган 3-нон заводида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Заводни қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш ишлари бошланди. Мавжуд 5 та ХВЛ маркали печларнинг биттаси янгиланди. Бир суткада 30 тонна нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги ХВА—40 маркали печь ўрнатилди. Бундан ташқари шу линиянинг техник жиҳозлари ҳам қайта кўриб чиқилди. Заводнинг санитария ҳолатини яхшилаш учун чора-тадбирлар кўрилди. Туз сақлаш хоналари, сухари қурилиш цехи, унни қоп-қанорсиз сақлаш биноларининг ички ва ташқи томонлари ремонтдан чиқарилди. Ишлаб чиқариш цехларидаги баъзи бир эскирган механизмлар янгисига алмаштирилди. Дозалаштириш аппаратлари ва хамирни бир меъёрда қолипга солувчи автомат механизмлар, шунингдек печларнинг иссиқлик даражасини нормаллаштириб турувчи қурилмалар пухта ишлашга шай этилди. Олий навли ундан тайёрланаётган «Пойтахт», «Дарница», «Россия» каби нонларнинг хиллари тобора кўпайиб бормоқда. Тайёр маҳсулотни совутиш ва уни транспортировка қилиш йўлга қўйилаяпти.

Биз ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб учта нон заводининг шундоқ ёнбошида иссиқ нон билан савдо қилувчи дўконлар очдик. Ана шундай дўкончалар заводнинг тўртта филиал цехлари қошида ҳам очилди. Бу дўкончаларга турли ассортиментдаги нон маҳсулотлари олиб чиқилиб, реализация қилинмоқда. Ҳамшаҳарларимиздан бундай дўкончалар сонини кўпайтириш борасида таклифлар тушмоқда. Келгусида нон билан савдо қилувчи магазинларнинг бевосита бирлашма ихтиёрига ўтказиш кўзда тутилмоқда. Бу албатта юқори тегишли идора раҳбарлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Аммо ҳали бирлашмамизда баъзи бир муаммолар ҳам йўқ эмас. 2-нон заводида малакали хамирчилар етишмайди. Заводда бир суткада 8 тонна ишлаб чиқарилаётган, олий навли ундан тайёрланган 800 граммли подовой нонга шаҳарликларнинг талаби катта. Лекин бу кўрсаткични янада кўтариш керак.

4-нон заводида 13 хил ассортиментда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Лекин, «Бородино» тузсиз парҳез қора нонга бўлган ҳамшаҳарларимизнинг эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти. Ишлаб чиқарилаётган бу турдаги нон ҳажми планнинг зўрға 50 процентини ташкил қилаяпти, холос. Лекин бу билан кифояланиб қолмаймиз. Сифатли нон маҳсулотларини шаҳарликлар дастурхонига етказиб бериш учун бор имкониятларимизни ишга соламиз. Ана шундагина сифатли нонларимиз чинакамига дастурхон кўркига айланади.

**Суҳбатни Р. АКБАРАЛИЕВ ёзиб олди.**

# Француз ва ўзбек археологларининг ҳамкорлиги

Антик Шарқ тарихи проблемалари бўйича жаҳондаги етакчи мутахассислардан бири, парижлик профессор Поль Бернар юз йил аввал қилинган қаллоблик изларини фош этишда совет мутахассисларига ёрдам берди. У Ўрта Осиё халқлари қадимги маданиятини асосли тадқиқ этаётган Франция билан Ўзбекистон археология қўшма группаси составида ишлаётиб, бу ердаги музейлар фондида сақланаётган ҳамда ўтган асрнинг европалик усталари маҳорат билан антик давр тусини берган кумуш ва сопол ашёлардан бир қанча хилларини топиб олди. Маълум бўлишича, бу ашёлар ўз вақтида шарқ бойваччаларига боплаб пулланган. 1917 йил Октябрь революциясидан кейин эса ана шу ясама ашёлар кўпдан-кўп ҳақиқий кўҳна ашёлар билан бирга музей фондларига ўтказилган.

— Бу олимнинг амалий фаолиятида биргина хол эмас, — дейди тарих фанлари кандидати, биргаликда олиб борилаётган ишларнинг Совет Иттифоқи томони қатнашчиларидан бири Э. Ртвеладзе. — Профессор Бернар тадқиқотлари Европа билан Америка музейларида антик даврникига тақлид этиб ясалган анча-мунча асарларни фош этишга имкон берди. Бу қаллобликнинг очилиши Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институти, Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти билан Франция илмий-тадқиқотлар миллий маркази археология бирлашмаси ўртасида тузилган шартнома доирасида икки мамлакат олимлари самарали ҳамкорлигида содир бўлган биргина воқеадир.

Франция билан СССРда нашр этишга тайёрланган икки китоб биргаликда олиб борилган иш биринчи босқичининг асосий якуни бўлди. Шулардан бири — «Исломгача бўлган Ўрта Осиёда дин ва ёдгорликлар» Парижда босилмоқда, «Бақтрия — Тохаристон билан суғд шаҳар маданияти» эса Тошкентда чиқарилди. Ўрта Осиёдаги қадимги давлатлар — Бақтрия билан Суғдиёна тарихига доир ана шу дастлабки Совет — Франция тўпламлари бу давлатларнинг антик Европа билан маданий-иқтисодий алоқаларини тадқиқ этишда янги бир саҳифа ёзиб, икки мамлакат ажралган ҳолда бўлган илгариги қарашларини рад этди. Олимлар бу давлатлар эллинистиқ дунёнинг ажралмас қисми бўлганлигига асосли далиллар келтирганлар.

Бундан кейин биргалашиб олиб бориладиган тадқиқотларда Ўрта Осиё тарихининг македониялик Искандар юришлари давридан эрта ўрта асрда Ўрта Осиёни араблар забт этган даврга қадар минг йилдан ошадиган даврни ўз ичига олиши мўлжалланади. Келгуси мавсумдаёқ ёши икки ярим минг йилдан ошадиган Самарқанддаги Афросиёб шаҳристонига бирлашган археологик экспедиция ташкил этиш мўлжалланади.

**Л. СТРУННИКОВА,**
**К. СТЕЛЬМАШЕВ,**
**ЎзТАГ мухбирлари.**

# Изланиш самараси

Модельер-конструкторларнинг ижодий изланишлари туфайли «Модалар уйи» ишлаб чиқариш бирлашмасида либосларнинг қатор янги хилларини тайёрлашга эришилмоқда.

Бугун корхонанинг Дилбар Мақсумова етакчилик қилаётган тажриба цехи коллективи янги хилдаги аёллар кўйлаги, пальто ва курткаларини тайёрлаб, Самарқанд тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига жўнатишди. Шунингдек, ҳар хил моделдаги кийим-кечакларнинг бошқа янги намуналари ҳам республикамиздаги 14 та тикувчилик корхоналарига юборилди.

**Б. ЭРГАШЕВА.**

# Давра суҳбати

Республика атеизм уйи «Билим» жамиятининг Собир Раҳимов район ташкилоти билан ҳамкорликда маҳаллаларда ислом динининг келиб чиқиши ва унинг зарарли оқибатлари ҳақида давра суҳбатларини ўтказмоқда. Районнинг «Правда», «Ҳасанбой», «Комсомол» ва Тошмуҳамедов номидаги маҳаллаларида бўлган давра суҳбатларида кўплаб тингловчилар қатнашди.

Бу давра суҳбатларида «Қайта қуриш даврида атеистик тарбия», «Меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашнинг долзарб масалалари», замонавий янги урф-одатларнинг аҳамияти сингари мавзуларда қизғин баҳслар борди.

Ислом динининг зарарли урф-одатлари келиб чиқиши ва уларнинг оқибатларини шарҳлаб беришда Абу Райҳон Беруний номидаги политехника, маданият, педагогика институтлари ва республика атеизм уйининг олимлари ва илмий ходимлари қатнашдилар.

**М. МАЪҚУЛОВА,**
В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг студенти.

# Ҳар тўғрида

**СОФИЯ.** Очиқ ҳавода барпо этилган этир музейи томошабинларни Миллий Уйғониш давридаги Шимолий Болгария аҳолисининг маиший турмуш ва ҳунармандчилиги билан таништиради. Бу архитектура ва этнография комплекси Габрово шаҳридан бир неча километр нарида Янтра дарёсининг сўл ирмоғи — кичик Сивек жирғасининг қирғоқларида жойлашган.

Бу ноёб меъморчилик қўриқхонаси 8 гектар майдонни эгаллайди. Очиқ ҳаводаги бу музей барпо этилганига чорак аср бўлиб қолди ва йил сайин унинг коллекциялари янги-янги оригинал экспонатлар билан тўлиб бормоқда. Тегирмон билан нонвойхона алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу ерда ҳозир ҳам эски рецептлар билан ширин нонлар ёпилмоқда. Шунингдек, устахоналарда томошабинларнинг кўз ўнгида музика асбоблари, қадимги қурол-яроғлар, аравалар тайёрланади, сопол идишлар пишириб чиқарилмоқда.

**БЕЛГРАД.** Денгиз ёқасидаги Пула шаҳрининг қоқ марказида қадимги Рим коллизейидан сал нарида банк қуриш учун котлован тайёрланаётганида ёш бир қизнинг мармардан ишланган калласи топилган. Мутахассислар бу ҳайкал эрамизнинг биринчи асрига тааллуқли, деган гапни айтдилар.

Ҳайкал қадимги Пула маликасининг тасвири бўлса керак, дейди Истрия ярим ороли археология музейининг директори Весна Юркичгирарди. Бу ҳайкалга урушдан кейинги даврда шаҳар районидан топилган энг қимматли археологик топилдиқ эканлигига шубҳа йўқ, деди директор.

**ЖАКАРТА.** Индонезия Бандар-Лампунг шаҳридаги (Жанубий Суматра) ғалати бир футбол ўйинига 100 мингга яқин томошабин йиғилди. Ўйинда Индонезия биринчи фил ўргатиш мактабининг «талабалари» қатнашдилар. Бу мактаб 1985 йилдан бери ишлаб келмоқда. Ўйиннинг 7-минутида «Каранг сари» командасининг ҳужумчиси тепган жарима зарбаси бу улкан ҳайвонларнинг 25 минутлик мусобақаси якунини чиқарди. «Режабаса» командасининг дарвозабони спортга хилоф хатти-ҳаракатда бўлганлиги учун 11 метрлик шу жарима тўпи тайинланганди. Дарвозабон судьянинг қароридан норози бўлиб, дарвозани бузиб майдондан чиқиб кетади. Кейин ўйин секин-аста қизиб борди. Қўполлик ҳам бўлди. Ютқазган ўйинчилардан бири қаттиқ зарба бериб рақибини ағдарди ва шу заҳоти унга сариқ карточка кўрсатиб огоҳлантирилди.

Ўйин диаметри бир ярим метрга борадиган махсус тўп билан олиб борилди. Суворийлар филларнинг хатти-ҳаракатига раҳбарлик қилиб турдилар. Учрашувга кекса бир фил судьялик қилди. Линияда навбатчилик қилаётган фил ўргатувчлар унга ёрдам бериб турдилар. Майдондан чиқиб кетган тўпни ҳам ана шу кишилар майдонга ташлаб турдилар. Жами 42 фил футбол ўйнаш тайёргарлигидан ўтган бўлса-да, шулардан атиги 25 таси асосий составга кириб, ўйинда қатнашиш ёки бошқа ўйинчи билан алмашиш ҳуқуқини олди.

**ХАРАРЕ.** Форд Элизабетда сайёҳлар ёқтирадиган «Илон парки»да Жанубий африкалик Морбоз Мкалапи кўрсатган томоша фожиали тугади. У ғаройиб илонлар иштирокида томоша кўрсатаётиб, заҳарли «артист» илонларнинг бири билан эҳтиётсиз муомала қилиб қўйиши натижасида у Морбознинг билагини чақиб олди. Дарҳол кўрилган чораларга қарамай, врачлар Мкалапини қутқариб қололмадилар. Орадан икки соат ўтгач, у вафот этди.

Мутахассисларнинг айтишларича, Морбоз хавфсизлик техникаси қоидаларини қўпол равишда бузганлиги натижасида ўлган. Нимрод Мкалапи ҳақиқий профессионал сифатида майдонга махсус узун қўлқоп киймай чиқишни афзал кўрган. Холбуки, қўлқоп заҳарли илонларнинг қўққисдан чақишидан асрарди. Морбоз қўлқоп кийилган қўл уни ўз касби учун зарур сезгирлик ва чаққонликдан маҳрум этади, деб ҳисоблаган ва Африка япалоқ бошли илонлари қанчалик заҳарли эканлигини унутиб қўйган.

